

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

АСАДОВ МАҲМАДИЁР ТУРАЕВИЧ

**ЖАҲОН ВА ЎЗБЕК НАСРИДА “ЁЛҒИЗЛИК МОТИВИ”НИНГ
МОДЕРНИСТИК ТАЛҚИНИ**
(А.Камю, Х.Дўстмуҳаммад, У.Ҳамдам насри мисолида)

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
Philological Sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

Асадов Махмадиёр Тураевич

Жаҳон ва ўзбек насрида “ёлғизлик мотиви”нинг модернистик талқини
(А.Камю, Х.Дўстмуҳаммад, У.Ҳамдам насри мисолида) 3

Asadov Mahmadiyor Turaevich

Modernistic interpretation of the “motive of loneliness” in the world and Uzbek prose
(on the examples of A.Camus, H.Dustmuhammad, U.Hamdams prose) 26

Асадов Махмадиёр Тураевич

Модернистская интерпретация «мотива одиночества» в мировой и узбекской
прозе (на примере прозы А.Камю, Х.Дустмухаммада, У.Хамдама)..... 48

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 52

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА
АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

АСАДОВ МАҲМАДИЁР ТУРАЕВИЧ

**ЖАҲОН ВА ЎЗБЕК НАСРИДА “ЁЛҒИЗЛИК МОТИВИ”НИНГ
МОДЕРНИСТИК ТАЛҚИНИ**
(А. Камю, Х. Дўстмухаммад, У. Ҳамдам насри мисолида)

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2021.1.PhD/Fil 1059
рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.navoiy-uni.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сирожиддинов Шухрат Самариддинович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мелиев Сувонкул
филология фанлари доктори

Холиқов Баҳодир Алиқулович
филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети


Диссертация ҳимояси Алишер Навоий Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил “25” 11 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44 (www.navoiy-uni.uz); e-mail: monitoring@navoiy-uni.uz.)

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (232 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103.Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил “15” 11 куни тарқатилди.
(2022 йил «15» 11 даги 1- рақамли реестр баённомаси).


Н.А.Жабборов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор


Қ.У.Пардаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент


Д.Р.Юсупова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида, асосан, XX аср бошларидан эътиборан “ёлғизлик” муаммосига жиддий эътибор қаратила бошланди. Айниқса, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ушбу ижтимоий-психологик ҳолатни тадқиқ этишнинг кўлами глобал даражага чиқди. Ёлғизлик мураккаб руҳий ҳодиса сифатида ижтимоий-гуманитар фанлар – социология, фалсафа, антропология, психология, эстетика каби фанлар қатори адабиётшуносликнинг ҳам объектидир. “Ёлғизлик мотиви”ни турли халқлар адабиёти доирасида типологик ўрганиш жаҳон адабиётининг равнақи учун тарихий-эстетик асос ҳисобланади.

Дунё халқлари адабиёти мунтазам равишда адабий алоқалар ҳамда бир халқ маданияти ва адабиётига доир тажрибаларнинг бошқа бир халқ томонидан ижодий ўзлаштирилиши натижасида ҳам тараққий этиб боради. XIX аср охирларида Европада пайдо бўлган модернизм адабиёти инсоннинг руҳиятини, ички оламини тасвирлайди. Модернизм адабиётининг кўзга кўринган намояндаларидан бири Альбер Камю ҳисобланади. Унинг қаҳрамонлари тушкун кайфиятни, ижтимоий бегоналикни, умидсизлик ва ёлғизликни бошидан кечиради. Шу жиҳатдан олиб қараганда, модернист ёзувчининг адабий-эстетик позицияси ва ижод жараёнини ўрганиш бадиий асардаги устувор ғояларни белгилаш имконини беради.

Ўзбек адабиётининг мустақиллик даври ижодкорлари Хуршид Дўстмуҳаммад ҳамда Улуғбек Ҳамдамнинг адабий-эстетик концепцияси ва ижодий уйғунлиги масаласининг жаҳон адабиёти контекстида тадқиқ этилиши, давр талабига кўра, янгича талқин қилиш заруратини туғдиради. Мазкур адибларнинг ижодий ўзига хослигини ўрганиш улар асарларида қаҳрамон ёлғизлигининг намоён бўлиш усуллари, янгича поэтик ифода ва рамзий-мажозий образлар талқини асосида муаллиф концепциясини белгилашга оид кузатишлар олиб боришни тақозо қилади. Зеро, “...адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳақимиз йўқ”¹. Шунга кўра, Х.Дўстмуҳаммад ва У.Ҳамдам ижодида ифода этилаётган ёлғизлик ҳолатига миллий, маънавий ва умумбашарий кадриятлар нуқтаи назаридан ёндашиш, Шарқ ва Ғарб адабиётига хос хусусиятларнинг синтезлашуви ҳамда уларнинг бадиий ижоддаги ифодаси каби масалаларни жаҳон адабиёти контекстида ижодий уйғунлик ҳосиласи сифатида тадқиқ этиш долзарблик касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4947-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонлари; 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини

¹ Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017 йил 4 август.

янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги ВМҚ-304-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқотимиз объекти бўлган француз ёзувчиси Альбер Камю ва ўзбек адиблари Хуршид Дўстмуҳаммад, Улуғбек Ҳамдам ижоди адабиётшунослар томонидан тадқиқ этиб келинган.

А.Камюнинг роман, қисса ва фалсафий эсселари ҳақида дунё адабиётшунослари томонидан ёзилган ишларнинг ўзи алоҳида тадқиқот манбаи бўла олади. Модернизм адабиёти негизида майдонга келган экзистенциализм, абсурдизм, индивидуализм фалсафаси байроқдори бўлган А.Камю ижодий олами жаҳон адабиёти мутахассисларини, адабиёт ихлосмандларини бефарқ қолдирмаган. Айниқса, ёзувчининг “Вабо” романи, “Бегона” қиссаси, “Калигуна”, “Ихтилоф” пьесалари адабий жамоатчилик орасида катта шов-шувга сабаб бўлган. А.Камюнинг ижоди, асарларида сюжет ва образлар дунёси, қаҳрамонлар ёлғизлик ҳолатининг бадиий-психологик таҳлили масалалари XX аср ҳамда ундан кейинги даврда Америка ва европалик тадқиқотчилар томонидан фаол тарзда тадқиқ қилинган¹.

А.Камю ижоди ҳамда “ёлғизлик” мавзуси хусусида рус адабиётшунослигида ҳам талай илмий фикрлар ва тадқиқотлар учрайди. Бу борада рус адабиётшунослиги ўзининг аниқ тизими ва илмий-тарихий асосига эга эканлигини таъкидлаш лозим. Хусусан, С.Великовский, М.Бахтин,

¹ Doubrovsky S. La morale d'Albert Camus. – Preuves, 1960; Grenier J. Albert Camus. Souvenirs. – Paris: Gallimard, 1968; Grenier J. Les Îles, nouvelle édition préfacée par Albert Camus, Gallimard, coll. “L'Imaginaire”, 1977; Ховардсхолм Э. Модернизм. Исследование понятия в историко-философском плане. “Называть вещи своими именами”. – М.: Прогресс, 1986; Colette J. L'Existentialisme. – Paris: Presses Universitaires de France, 1994; France P. Hermits: The insights of solitude. – New York: St. Martin's, 1996; Gibson H., Laslett P. Loneliness in later life. Macmillan Press Ltd. – London, 2000; Engelberg E. Solitude and Its Ambiguities in Modernist Fiction. – London: Palgrave, 2001; Rabaté D. “Introduction” 19: L'invention du solitaire, Presse Universitaires de Bordeaux, 2003; Рисмен Д. Одинокая толпа http://www.hrono.ru/biograf/bio_r/riesmand.php; Toura H. La Quête et les expressions du bonheur dans l'œuvre d'Albert Camus. 2004; Flores d'Arcais P. Albert Camus filosofo del future. 2013; Lévi-Valensi J. Albert Camus ou La naissance d'un romancier, Gallimard, coll. “Les Cahiers de la NRF”, 2006; Worsley A. The poetry of loneliness from Romance to Romanticism: a dissertation for the degree of Doctor of Philosophy Princeton, 2014; “Lettre à Roland Barthes sur La Peste”, II: “La Peste, dont j'ai voulu qu'elle se lise sur plusieurs portées, асependant comme contenu évident la lutte de la résistance européenne contre le nazisme” ва ҳ.к.

Ю.Борев, Б.Г.Ананьев, Е.П.Кушкин, Т.Е.Николаевская, К.И.Зими́рева, Е.А.Ядрихинская, Л.А.Мальцев, В.П.Хохлова, Н.С.Поздеева тадқиқотларини алоҳида эътироф этиш мумкин¹.

Ўзбек адабиётшунослигида ҳам А.Камю ижодини тадқиқ этиш асосан ХХІ асрга келиб муайян шакл-шамойил касб этди. Айниқса, 2000 йилларнинг бошларида “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида модернизм ва абсурд хусусида бир қанча баҳсли мақолалар эълон қилиниши А.Камю ижоди, унинг бадиий концепцияси билан янада чуқурроқ танишиш имконини берди. Ёзувчи таржимаи ҳоли, унинг “Вабо”, “Бегона”, “Калигула”, “Сизиф ҳақида афсона” асарлари сюжет хусусиятлари ҳамда абсурд қаҳрамон руҳий олами ҳақидаги илк тасаввурни ўзбек ўқувчиси М.Холбеков, А.Саидов, Й.Солижонов, Н.Эшонкул каби адабиётшуносларнинг тадқиқотлари орқали ҳосил қилган дейиш мумкин. Айниқса, С.Мели, У.Жўрақулов, Қ.Йўлдош, И.Ёқубов, А.Қосимов, У.Ҳамдамов, Ш.Норматова сингари ўзбек олимларининг илмий мақолалари, фундаментал тадқиқотлари А.Камю ижоди, унинг экзистенциализм ва абсурд фалсафасининг мазмун-моҳияти билан теран танишиш имконини берди². Шунингдек, Х.Дўстмуҳаммад ва У.Ҳамдам ижоди ҳам ўзбек адабиётшунослигида атрофлича ўрганилган. Жумладан, У.Норматов, Қ.Йўлдошев, Й.Солижонов, Д.Тўраев, Б.Каримов, У.Жўрақулов, Қ.Қаҳрамонов, И.Ёқубов, А.Улуғов, М.Қўчқорова, У.Расулова, Х.Ҳамроқулова, Д.Холдорев, Х.Раҳмонова, К.Ҳамроев, Ш.Ботирова, Ф.Бурхонова кабилар томонидан турли масалалар юзасидан тадқиқ қилинган³.

¹ Великовский С.И. Проза Камю. В кн.: Альбер Камю. Избранное. – М., 1969; Великовский С.И. Экзистенциализм. В кн.: Краткая литературная энциклопедия. Т. 8. – М.: Советская энциклопедия, 1975; Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. – М.: Художественная литература, 1972; Борев Ю.Б. Теоретическая история литературы / Теория литературы. Т. 4: Литературный процесс. – Москва, 2001; Ананьев Б. Г. Онтогенез и жизненный путь человека // Ананьев Б.Г. Избранные психологические труды. – М., 1980; Кушкин Е.П. Альбер Камю. Ранние годы. – Л.: изд-во ЛГУ, 1982; Николаевская Т.Е. Ф.М.Достоевский как предтеча европейского экзистенциализма: Опыт проблемного исследования: Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – М., 1999; Алейникова О.С. Одиночество: философско-культурологический анализ: Дисс. ... канд. филос. наук. – СПб., 2005; Зими́рева К.И. Экзистенциальная проблематика в творчестве А.М. Ремизова: на материале дореволюционных рассказов: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2007; Ядрихинская Е.А. Структурный и лексико-семантический анализ макроконцепта "L'homme" в индивидуально-авторской картине мира А.Камю. Дисс. автореф. ... канд. филол. наук. – М., 2009; Мальцев Л.А. Традиция экзистенциализма в польской прозе второй половины XX века: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Е., 2009; Хохлова В.П. Реминисцентные онимы в произведениях французских писателей-экзистенциалистов: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2010; Поздеева Н.С. Коммуникативно-дискурсивные признаки концепта одиночество: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2013 и т.д.

² Холбеков М. ХХ аср жаҳон адабиёти манзаралари. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2020; Холбеков М. Экзистенциализм: Альбер Камю // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2013 йил, 11-сон; Саидов А. Қиёсий адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2020; Солижонов Й. Сизиф ва абсурд // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2010 йил, 1-сон; Эшонкул Н. Мендан “мен”гача. – Тошкент: Академнашр, 2006; Жўрақулов У. Худудсиз жилва. – Тошкент: Фан, 2006; Қаҳрамонов Қ. Адабий танқид: янгиланиш жараёнлари. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009; Ёқубов И. Бадиий-эстетик сўз сеҳри. – Тошкент, 2011; Қосимов А. Типологик ўхшашликлар ва ўзаро таъсирнинг назарий муаммолари (А.де Сент-Экзюпери ва А.Камю ижоди мисолида): Филол. фан. докт. ... дисс. – Фарғона, 2007; Hamdamov U. Jahon adabiyoti: modernizm va postmodernizm. – Toshkent: Akademnashr, 2020; Normatova Sh. Jahon adabiyoti. / Oliy o'quv yurtlari uchun o'quv qo'llanma. – Toshkent, 2008. va b.

³ Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Тошкент: Маънавият, 2000; Йўлдош Қ. Ёниқ сўз. /Адабий ўйлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006; Солижонов Й. Адабиёт хиёбони. – Фарғона: “Фарғона” нашриёти, 2020; Тўраев Д. Маънавий олам талқинлари. – Тошкент: Akademnashr, 2020; Карим Б. Руҳият алифбоси. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2016; Карим Б. Истиқлол адабиёти: назм ва наср. – Тошкент: Firdavs-shoh, 2021; Жўрақулов У. Хос калом хосияти // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2013 йил, 3-сон;

Умуман, ҳозирги глобаллашган, инсонларда ёлғизлик ҳисси тобора кучайиб бораётган бир шароитда ўзбек адабиётшунослигида мазкур муаммога доир тадқиқотлар кўп деб бўлмайди. Ёлғизлик муаммоси, унинг моҳияти, намоён бўлиши, генезиси каби масалаларни ўзбек ва жаҳон адабиёти контекстида ўрганишга бағишланган М.Қиличева ҳамда Б.Саидованинг тадқиқот ишларидан бошқа махсус кузатишлар мавжуд эмас¹.

Аммо ўзбек тадқиқотчилари томонидан Х.Дўстмухаммаднинг “Донишманд Сизиф” романи, У.Ҳамдамнинг “Ёлғизлик”, француз ёзувчиси А.Камюнинг “Бегона” қиссаси ўзаро қиёсий-типологик йўсинда махсус тадқиқ қилинмаган. Шу нуқтаи назардан, ўзбек насри анъаналарининг янгилиниши, хориж адабиёти билан поэтик муносабати масаласининг илмий жиҳатдан ўрганилиш зарурати мавжуд.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Жаҳон ва ўзбек адабиётини қиёсий-типологик ўрганишнинг умумназарий муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жаҳон ва ўзбек насрида “ёлғизлик мотиви”нинг кўринишларини аниқлаш, уларнинг турларига баҳо бериш, А.Камю, Х.Дўстмухаммад, У.Ҳамдам асарларидаги қаҳрамон ёлғизлик ҳолатларини қиёсий-типологик аспектда текшириб, ўхшаш ва фарқли жиҳатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жаҳон адабиётшунослигида “ёлғизлик мотиви”нинг адабий-назарий ва компаративистик муаммоларини илмий асослаш;

“Бегона” ва “Донишманд Сизиф” асарларида “ёлғизлик мотиви”нинг тарихий-мифологик омилларини очиб бериш ҳамда адабий таъсир масалаларини илмий далиллаш;

“Бегона”, “Донишманд Сизиф” асарларида композиция ва сюжет оригиналлигини текшириш;

“кимсасизлик вазияти”нинг фалсафий, ижтимоий-психологик ва метафорик хусусиятларини очиб бериш;

Ёкубов И. Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси. – Тошкент: Nurafshon business, 2021; Улуғов А. Қиссаларда қалб акси (2010 йил қиссаларини ўқиб) // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2011, 4-сон; Қўчқорова М. Ҳозирги ўзбек насрида неомифологизм муаммоси // Изҳор. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2021; Расулова У. XX аср ўзбек қиссачилиги (поэтик изланишлар ва тараққиёт тамойиллари). – Тошкент: Qamar media, 2020; Холдоров Д. Ҳозирги ўзбек қиссаларида бадиий услуб муаммоси. – Тошкент: Firdavs-Shoh, 2021; Раҳмонова Х. Хуршид Дўстмухаммад насри бадиияти. / Адиб қисса ва ҳикоялари мисолида. – Тошкент: Poytaxt exclusive, 2021; Ҳамроев К. Ҳикоя композицияси. – Тошкент: Nurafshon business, 2020; Ботирова Ш.И. Ҳозирги ўзбек романларида бадиий психологизм (Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат”, “Исён ва итоат”, “Сабо ва Самандар” романлари мисолида): Филол. фан. фалс. докт. (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2019; Бурханова Ф.Р. Муаллиф адабий-эстетик қарашлари ва ижодий параллелизм (Назар Эшонкул ва Улуғбек Ҳамдам ижоди мисолида): Филол. фан. фалс. докт. (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2019. ва б.

¹ Қиличева М.Р. Инглиз ва ўзбек адабиётида психологик ҳолатлар талқинида адабий таъсир муаммоси (ёлғизлик мотиви мисолида): Филол. фан. фалс. докт. (PhD) ... дисс. автореф. – Бухоро, 2020; Саидова Б.Р. Ақл ва руҳ баҳси: рисола. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018.

“Донишманд Сизиф”, “Ёлғизлик” асарларини шарқона маънавият ва бадий тафаккур контекстида текшириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Альбер Камюнинг “Бегона”, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф”, Улуғбек Ҳамдамнинг “Ёлғизлик” асарлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини Альбер Камю, Хуршид Дўстмуҳаммад, Улуғбек Ҳамдам ижоди мисолида “ёлғизлик мотиви”нинг модернистик талқини, унинг типологик ва ўзига хос хусусиятлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида қиёсий-типологик, герменевтик, социологик, психологик ва биографик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жаҳон ва ўзбек насрида “ёлғизлик мотиви”нинг тарихий илдизлари, бадий акс эттиришдаги анъанавийлик ва оригиналлик муаммолари, француз ёзувчиси А.Камю, ўзбек адиблари Х.Дўстмуҳаммад ва У.Ҳамдам асарларида “кимсасизлик вазияти”нинг фалсафий, ижтимоий-психологик, метафориклик хусусиятлари, ёзувчилар ижодидаги индивидуаллик ҳамда миллийлик масалалари очиб берилган;

А.Камюнинг “Бегона” қиссаси ва Х.Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф” романи сюжетидаги анъанавийлик ва оригиналлик муаммолари, қаҳрамонларнинг тарихий-мифологик жиҳатдан муштараклиги, ижодкорнинг “ёлғиз одам” образини яратишдаги маҳорати аниқланган;

адабиётда ёлғизликнинг ҳар бир шакли – яккалик, танҳолик, изоляция, узлат, бегоналик каби кўринишлари шаклий, мазмуний, бадий-психологик жиҳатдан фарқли хусусиятлари аниқланиб, ёлғизликнинг энг юксак ва тубан кўринишлари очиб берилган;

француз ёзувчиси А.Камюнинг “Бегона”, ўзбек адиблари Х.Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф”, У.Ҳамдамнинг “Ёлғизлик” асарларида ёлғизлик мотивининг адабий-эстетик вазифалари, ифода шакллари тасвирида миллий-маданий, диний-этиқодий, адабий таъсир тушунчаларининг аҳамияти асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“ёлғизлик мотиви”нинг эстетик, психологик, ижтимоий, фалсафий жиҳатлари илмий асосланиб, унинг адабий жараёнга таъсири аниқланган;

ёлғизлик ҳолатини келтириб чиқарадиган омиллар тадқиқ қилиниб, уларнинг турлари фарқланган, таснифлар амалга оширилган;

тадқиқот объекти сифатида ажратиб олинган асарларнинг сюжет ва композицияларидаги умумийлик, оригиналлик хусусиятлари баҳоланган;

таҳлил қилинган бадий асарларда ёлғизлик ҳолатидаги қаҳрамон характерининг ўзига хослик ва миллийлик даражалари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот ишида назарий муаммонинг аниқ қўйилганлиги, шунингдек, жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигида модернизм, экзистенциализм, абсурд каби адабий методлар, шунингдек, бегоналашув, кимсасизлик, ёлғизлик мотивлари бўйича

олиб борилган илмий изланишларга оид фундаментал илмий-назарий қарашларга таянилиб хулосалар чиқарилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган назарий хулосалар бугунги кунда адабиётшуносликда долзарб бўлиб турган мураккаб ижтимоий, фалсафий, психологик туйғу – ёлғизлик мотиви, унинг шаклий ва мазмуний турлари, метафорик талқини, образ ҳосил қилувчи воситаларнинг хусусиятлари, характер яратишда ижодкорлар дунёқарашининг ўзига хосликлари бўйича мавжуд маълумотларни тўлдириши билан изоҳланади

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулосалар жаҳон ва ўзбек адабиётида “ёлғизлик мотиви”нинг модернистик талқини ҳамда тадқиқи бўйича илмий изланишларни амалга оширишда, ёлғизликни келтириб чиқарувчи сабаб ва омилларни муфассал таҳлил қилишда ҳамда бадиий асар мазмунини тўғри англашда, илмий материаллардан олий ўқув юртлари учун ўқув услубий қўлланмалар яратишда, махсус курслар ташкил этишда, маъруза ва семинар машғулотлари мазмунини бойитиш, маънавий қадриятларимизнинг ўрни ҳақида маърузалар ўқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жаҳон ва ўзбек адабиётида “ёлғизлик мотиви”нинг модернистик талқини бўйича олинган илмий натижалар асосида:

таниқли ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад ижодининг ўзбек насри ривожига қўшган ҳиссаси, “Донишманд Сизиф” романида миллий характер яратиш, маънавий-ахлоқий масалаларни акс эттиришда муаллиф маҳорати, реалистик тасвир тамойиллари, бадиий-эстетик ўзига хослиги, “Донишманд Сизиф” романида композиция ва сюжет оригиналлиги, ижодий жараёнда адабий таъсир ва услубий ўзига хослик масалалари, бадиий тасвирда миллий-маданий тасвир унсурлари, Улуғбек Ҳамдамнинг “Ёлғизлик” қиссаси поэтик хусусиятлари, қиссада “ҳикоячи-мен” образи, қаҳрамоннинг дунёни билиш, англаш истагидан юзага келган руҳий изтиробларнинг бадиий-психологик тасвири, шунингдек, қисса сюжетидаги мажозий-метафорик образлар таҳлили ва тадқиқига оид илмий-назарий хулосалардан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган ОТ-Ғ1-030 рақамли “Ўзбек адабиёти тарихи” кўп жилдлик монографияни (7 жилд) чоп этиш” (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 7 апрелдаги 04/1-628-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек адабиёти тарихининг XXI аср боши адабий жараёни, адабиётда янги мотив ва муаммоларнинг пайдо бўлишига доир илмий қарашларнинг бойишига асос бўлган;

“кимсасиз одам” ёлғизлик ҳолатининг бадиий-психологик ва метафорик тасвирини изоҳлашда, “кимсасизлик вазияти”даги изтиробли одамнинг ташқи қиёфасини ифодалашда, ёлғиз инсоннинг табиати, феъл-атвори, миллий ва умуминсоний доирада ўзини тутишини эпик идроклашга доир илмий хулосалардан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган I-ОТ-2019-42 рақамли “Ўзбек ва инглиз

тилларининг электрон (инсон қиёфаси, феъл-атвори табиат ва миллий тимсоллар тасвири) поэтик луғатини яратиш” (2020-2021) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 28 июндаги 04/1-2160-сон маълумотномаси). Натижада янги яратилган поэтик луғат ёлғиз инсоннинг табиати, феъл-атвори, бадий қаҳрамоннинг ёлғизлик ҳолатларига доир илмий изоҳлар билан бойишига асос бўлган;

жаҳон ва ўзбек адабиётида “ёлғизлик мотиви”нинг пайдо бўлиши, тараққиёт тамойиллари, глобал даражага чиқиши бўйича чиқарилган назарий ва амалий хулосалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Dunyo bo‘ylab” телеканалининг “Янги Ренессанс ёшлари” кўрсатувини эфирга узатишда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Dunyo bo‘ylab” телеканалининг 2022 йил 18 майдаги 01-01/336-сон маълумотномаси). Натижада, дастур учун тайёрланган материалларнинг мазмуни назарий маълумотлар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ҳамда 2 таси хориждаги илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Умумий ҳажми 155 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва методлари белгиланган, диссертациянинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги аниқланган; тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти далилланган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши, ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ёлғизлик мотиви” ва унинг илмий-назарий, бадий-тарихий талқинлари** деб номланган. Унинг *“Ёлғизлик мотиви” адабий-назарий ва компаративистик муаммо сифатида* деб номланган дастлабки фаслида жаҳон адабиётшунослигида “ёлғизлик мотиви”нинг вужудга келиши, унинг дастлабки кўринишлари, кейинги

даврлардаги талкинлари, ёлғизликнинг турлари ва таснифланиши каби масалалар хусусида фикр юритилади.

Адабиёт тарихида ёлғизлик мавзусига илк бор италян шоири Петрарка “Ёлғизлик ҳаёти” асари орқали мурожаат қилгани тўғрисида қайдлар бор¹. Петраркага ҳам қадимги юнон ва рим файласуфлари Пифагор, Демокрит, Сукрот, Афлотун, Сенека, Марк Аврелий кабилар ўз асарларида сюжет линияларини шакллантиришда ёлғизликдан мотив сифатида фойдаланганлар. Бундан ташқари, жаҳон адабиётида энг қадимги ёзма манба сифатида эътироф этилаётган “Билгамиш” достонида ҳам ёлғизлик мотиви мавжуд. Умуман, ёлғизлик тарихига янада чуқур қаралса, бу Одат атога бориб тақалади.

Сўнги пайтларда фалсафа, психология ва адабиёт соҳасида “ёлғизлик”, “ёлғизлик ҳисси”, “ёлғизлик ҳолати”, “ёлғизликка эҳтиёж”, “изоляция”, “узлат”, “яккалик”, “танҳолик”, “бегоналашув” каби терминларга тез-тез дуч келмоқдамиз. Бир қарашда, ушбу сўзлар ўзаро синонимдек туюлса-да, уларнинг маъноси айнан эмас. Шунингдек, “ёлғизлик”, “яккалик” ва “изоляция” тушунчаларини ҳам ўзаро тенглаштириш тўғри бўлмайди. Масалан, “изоляция” “ёлғизлик”ка ҳисса қўшиши ва ҳатто, бу ҳолатни келтириб чиқариши мумкин, бироқ айна ҳолат бу икки тушунчани ўзаро бир хил мавқеда қараш учун асос бўлмайди. “Ёлғизлик” тушунчаси билан “яккалик” ва “изоляция” тушунчаларида умумийлик билан бирга уларнинг ўзига хос фарқли жиҳатлари ҳам мавжуддир.

Изоляция инсоннинг ижтимоий муҳитга нисбатан кўпроқ жисмоний, фазовий ва вақтинчалик локализацияси билан боғлиқ бўлиб, у ички руҳий тажриба эмас, балки ташқи шартли ҳолатдир. Изоляция тушунчаси ҳамма вақт бирон сабабга кўра, инсоннинг ўз хоҳишига биноан ёки мажбуран ўз ҳаётидан четлаштирилган объект ҳолати (умуман, одамларнинг маълум бир гуруҳи)ни назарда тутади.

Яккаликни икки хил тушуниш мумкин: биринчиси, жисмоний чора сифатида бир кишининг ўзгалар тарафидан ёки бирор ижтимоий қатлам томонидан мажбуран яккалаб, оммадан ажратиб қўйилиши. Айна ҳолат қайсидир маънода **изоляция**га ҳам алоқадорлик касб этади. Бироқ у ҳам ички руҳий жараён эмас, барқарор бўлмаган ташқи ҳолатдир. Шунини таъкидлаш лозимки, яккаланган шахс ёлғизликни бошидан кечириши ҳам мумкин. Иккинчи томондан эса, яккалик ички “Мен”нинг устуворлик қилиши билан ҳам сифатланади. Яъни “мен якка-ю ягонаман” тарзида ҳаволаниш, ўзини барчадан устун қўйиш ва бошқаларни инкор этиш ҳам яккаликнинг, ягоналикнинг хусусияти ҳисобланади. Бу ҳолат ёлғизликнинг энг тубан, худбин кўринишларидан биридир.

Ёлғизлик ички руҳий жараён, тажрибадир. Ёлғизликнинг объекти инсоннинг ўзи. Ёлғизлик субъектга йўналтирилади. Инсон изоляцияда бўла туриб ёлғиз бўлмаслиги ва аксинча, изоляцияда бўлмасдан ҳам ёлғизликни бошидан кечириши мумкин. Шунинг учун ҳам ушбу тушунчаларни доим бир хил маънода тушунмаслик лозим.

¹ Balcom D. The Greatest Escape. Adventures in the history of Solitude. – Indiana: iUniverse, Inc., 2004. – P. 33.

“Ҳозирги жамиятдаги инсон ҳаётга бўлган қизиқишини йўқотиб бормоқда. У табиатнинг гўзаллигини ҳам, бошқа инсонлар кайфиятини ҳам ҳис қилмайди. Инсон фақат ақли билан яшар экан, ақл уни фақат ўз манфаатларини кўзлашга ундайди. Натижада, инсон ҳаётдан эзгулик ўрнига фақат фойда ахтаради. Бундай одамларга ҳаёт зерикарли, маъносиз бўлиб туюлади¹. Демак, қалб поклигидан кўра, тана эҳтиёжини қондириш ҳирсининг устуворлиги, НАФСИ АММОРАга қул бўлиши ёки ўзини якка-ю ягона деб ҳисоблаш, ўзига-ўзи бино кўйиш, ҳаволаниш **ёлғизликнинг энг тубан кўринишидир**. Бу тўғрисида Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари ўзининг “Тасаввуф ҳақида тасаввур” китобида Қуръони Каримнинг **“Ва ўз нафсимни оқламайман. Албатта, нафс, агар Роббим раҳм қилмаса, ёмонликка кўп ундовчидир. Албатта, Роббим мағфиратли ва билгувчидир”** (Юсуф сураси, 53-оят) оятини шундай шарҳлайди: “Нафси аммора инсонни ҳар доим ёмонликка ундаб туради. Агар вақтида унинг давоси қилинмаса, инсон қалби хароб бўлиши мумкин. Инсон нафси амморани, ҳирсни йўқ қилсагина, нафс инсонни эмас, аксинча, инсон нафсни бошқара олади. Шунда инсон шахси комилликка, мукамалликка эриша олади”².

Ёлғизлик ҳодисасига психолог ва ижтимоий фан вакиллари томонидан долзарб мавзу сифатида алоҳида эътибор қаратилиши, фаол қизиқиш билан тавсифланиши XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Бу даврни, том маънода, ёлғизлик психологиясига оид фундаментал тадқиқотлар даври, деб аташ мумкин. Айни даврда феноменологик тадқиқотларнинг концептуал асослари яратилди. XX аср ёзувчилари Ф.Кафка, Ж.-П.Сартр, А.Камю, Г.Г.Маркес, Ҳ.Ҳессе, Э.М.Ремарк, С.Беккет, Э.Ионеско сингари ёзувчилар ижодида инсон ёлғизлиги марказий мавзуга айланди.

Шу тарзда ёлғизликнинг модернистик кўриниши майдонга келади. Яккаланган, жамиятдан ажратиб қўйилган, бегоналашган шахс феномени модернизм адабиётида мотивдан мавзуга айланди. Демак, модернизм адабиёти шахс таназзули, руҳий изтироблари туфайли юзага келган дейишимиз мумкин. Бу борада филология фанлари доктори Сувон Мели қуйидагича фикр билдиради: “Модернизм Европа жамияти, ғарб одами учун руҳоний таназзулни бошидан кечираётган пайтда вужудга келган. Таназзул бу оқимнинг бадиий тасвир усуллари, янги шакли ва мавзу-материал доираси, янги мазмуннинг қонқонига сингиб кетган. Модернизм – таназзул маҳсули.”³

Биринчи бобнинг иккинчи фасли “*Жаҳон ва ўзбек насри тарихида “ёлғизлик мотиви”нинг бадиий акс эттирилиши*” деб номланади. Унда жаҳон ва ўзбек адабиёти ёзувчилари асарларида “ёлғизлик мотиви”нинг бадиий акс эттириш масаласи талқини ўрганилган.

“Ёлғизлик мотиви”нинг бадиий адабиётда акс этишига асосланилса, у узоқ тарихга эга эканлиги аён бўлади. Антик давр адабиётида ёлғизлик мотиви ва унинг талқини рус адабиётшуноси М.Бахтин тадқиқотларида теран ва ҳаққоний

¹ Қосимов А. Типологик ўхшашликлар ва ўзаро таъсирнинг назарий муаммолари (А.де Сент-Экзюпери ва А.Камю ижоди мисолида): Филол. фан. докт. ... дисс. – Фарғона, 2007. – Б. 90.

² Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Тошкент: Hilol-Nashr, 2022. – Б. 157.

³ Мели С. Сўзу сўз. – Тошкент: Sharq, 2020. – Б. 419-420.

тавсифини топган. Олим қадимги давр Августин, Цицерон, Плутарх, Гораций, Аврелий каби кўплаб алломаларнинг биографик асарлари ёлғизлик мотиви, ёлғиз одам масалаларини таҳлил қилади. М.Бахтин “Ўрта асрларда шаклланиб, сўнгра Европа романида ниҳоятда катта рол ўйнаган ўша асл ёлғиз одам ҳалигача бу ўринда йўқ. Ёлғизлик бу ўринда ҳали ўта нисбий ва содда ҳолатда”,¹ дея таъкидлайди.

Француз адабиётшуноси Доминик Рабате француз адабиёти тарихидаги шахс масаласига чуқур ёндашиб, уни уч босқичга ажратади: а) Руссо томонидан шахснинг покланиши; б) Бодлер юзага келтирган ўзгаришлар; в) XX асрдан кейинги адабий давр².

Хуллас, инсоннинг индивидуал ҳиссини, бошқа одамларга қўшилишни истамаётганлигини акс эттирувчи руҳий ҳолатни ёлғизлик дейиш мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ёлғизлик мотиви**”ни **бадий акс эттиришда анъанавийлик ва оригиналлик муаммоси**” деб номланиб, у икки фаслдан иборат. “Бегона” ва “Донишманд Сизиф” асарларида “ёлғизлик мотиви”нинг тарихий-мифологик омиллари” номли биринчи фаслда Х.Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф” романи қаҳрамони Сизифнинг адабиёт тарихидаги талқинлари, бу тарихий образнинг ўзбек адабий муҳитига кириб келиш жараёнлари, А.Камюнинг “Бегона” қиссаси қаҳрамони Мерсо билан Сизифни боғлаб турувчи хусусиятлар, уларнинг жамиятдан ажратиб қўйилиши, ёлғизлик ҳолатлари каби масалаларнинг тарихий-мифологик омиллари таҳлилга тортилади. Мифологик образ Сизифнинг адабиёт майдонига кириб келиши, адабий қаҳрамонга айланиши турли манбалар асосида тадқиқ этилди.

Ҳомерда ўта айёр сифатида тасвирланган Сизифга Камю фалсафий омил сифатида қарайди. Ҳомерда Сизиф воқелиги, унинг жамиятдаги юриш-туриши, хатти-ҳаракатлари, маъбудларга исёни ва унинг жазоланишига катта ўрин ажратилса, Камюда инсон ва жамият муносабатларининг кескинлашуви акс этган ижтимоий-фалсафий рамз сифатида кўрилади. Камю Сизифга жамиятда инсоннинг азобсиз, зулмсиз, кишанларсиз яшашини истовчи тимсол сифатида ёндашади, айниқса, асосий эътиборни унинг ёлғизлик ҳолатига қаратади. Камю ўз эссесида Сизифнинг харсангни юмалатиш билан боғлиқ ҳаракатларини абсурд ҳолатига менгзайди. Хуршид Дўстмуҳаммадга келиб Сизиф фалсафий-бадий мукамаллик рамзига айланади, у донишмандлик тимсоли, ирода рамзи тарзида талқин қилинади. У ҳар қандай қийин вазиятда ҳам ақлга таяниб иш тутувчи, ёлғизликни юксак сабр ва иродаси орқали енгувчи, маънисизликдан маъно топган бадий образдир.

Камюнинг “Бегона” асари қаҳрамони Мерсо ҳам тўла маънода Сизифнинг замонавий талқини ҳисобланади. Мерсо ҳам жамият қонуниятларига амал қилмайди, ахлоқий меъёрларни бир четга суриб, бошқа одамлар мослашиб кетган одатдаги расмий ҳаётни инкор қилади, шунингдек, у динни ҳам, Худони ҳам рад этади. Жамият бу типдаги инсонни қабул қилмайди, уни ўз таркибидан

¹ Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. / Рус тилидан У.Жўракулов таржимаси. – Тошкент: Akademnashr, 2015. – Б. 119.

² Rabaté D. L'invention du solitaire. Presse Universitaires de Bordeaux, – B., 2003. – P. 18.

чиқариб ташлайди, натижада Мерсонинг қисмати ҳам Сизиф сингари фожиавий кўриниш олади, у қатл этилади.

Мавжуд ижтимоий ахлоқий меъёрлардан, умумбашарий қадриятлардан-да, юқорида туриб, ўз кўнгли, ўз қалби билан яшайдиган Мерсо ўзини асло гуноҳкор, адашган банда сифатида кўрмайди. Унинг юрагида одамларга, ахлоқий қадриятлар, ердаги тартиботларга ҳурмат, меҳр эмас, балки ўз идеалидаги оламни қумсаш, ҳамма нарса мумкин бўлган дунёни иташ ҳисси мавжуд. У ўз хаёлидаги оламни тополмагач, унинг қалбини ғазаб ва исён эгаллайди. Камюнинг қаҳрамони Мерсо барча одамлар эртами-кечми ўлиб кетадиган ҳаётда мазмун кўрмайди ва уни абсурд деб билади. Мерсонинг тарихий типи сифатида Сизиф табиатида ҳам ўлимга қарши исён, унга жазо қўллаган маъбудларга қарши ғазаб, яшашга бўлган эҳтирос устун. Бу икки қаҳрамон ҳам ўз кўнгил истаклари билан яшамоқни истаб, мавжуд идеалларни инкор этиб, ўз майллари билан аянчли қисмат қаршисида қоладилар. Сизиф ёлғизлиги тарихий кўринишга эга, у жамиятдан мажбуран ажратилиб, кимсасиз биёбонга ёлғиз келтириб ташланади. Мерсодаги ёлғизлик модернистик мазмун касб этади. У одамлар орасида, жамият ичида, фақат ўз “идеал”ига мос шерик тополмай сарсон. Ҳар иккиси ҳам ижтимоий мулоқотга муҳтож: Мерсога ўз оламидаги, уни тушунадиган суҳбатдош керак бўлса, Сизифга, ким бўлишидан қатъи назар, ижтимоий мулоқот керак. Булар икки қаҳрамонни боғлаб турувчи асосий жиҳатлардир.

Бобнинг иккинчи фасли “Бегона”, “Донишманд Сизиф” асарларида композиция ва сюжет оригиналлиги” деб номланади. А.Камюнинг “Бегона” қиссаси мураккаб психологик сюжетга эга асар. Унда онасининг ўлими тўғрисида телеграмма олишидан бошлаб, қирғоқда арабни отиб қўйиш, ундан кейинги қайта-қайта бўлган суд жараёнларидан тортиб, қаҳрамоннинг қатл этилишигача бўлган жамики воқеалар батафсил тасвирланади. Ёзувчининг сюжет яратишдаги маҳорати шундан иборатки, асардаги воқеа сюжет линияси бош қаҳрамон образи билан боғланади.

Экзистенциалистларнинг “мавжудлик” категориясига кўра, экзистенциал одам Худо ва жамият олдида доим ўз мавжудлигини исботлашга уринади. Ҳаракатлар асосан шунга қурилади. Инсоннинг мавжудлиги ва борлиқдаги моҳияти тўғрисида экзистенциализм вакиллариининг кўплаб назарий қарашлари мавжуд. Улар ўз илмий-фалсафий қарашларини, адабий концепцияларини қаҳрамонлари тилидан ифода этадилар. Яъни асар қаҳрамони мисолида инсоннинг моҳияти, унинг ҳаётга муносабати уни айни дамдаги вазияти, ҳолати билан эмас, балки унинг ҳаракати, ҳаракатга ундовчи куч билан белгиланади. Мана шу кучлар қаҳрамонни сюжет линияси бўйлаб ҳаракатлантиради. Бу кучлар ёрдамида қаҳрамоннинг характери шакллантирилади. Характер қаҳрамон ҳаракатлари, фикрлари, нутқи воситасида очиб берилади. Агар ҳаракат тугал бўлмаса, характер ҳам мукамаллик касб этмайди. А.Камюнинг “Бегона” ва Х.Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф” асарлари қаҳрамонлари характери ҳам юқоридаги мезонлар асосида шакллантирилган. Сизиф илоҳлар илоҳи Зевснинг таъқиқларига қарши чиқади. Ҳатто ўзини маъбудларга тенглаштиради, мангу яшамоқ истайди, ўлимни ҳам инкор қилади. Алалоқибат

у ҳам маънисиз ва адоқсиз жазога ҳукм этилади. Х.Дўстмуҳаммаднинг романи айнан шу нуқтадан бошланади. Илк жумла асар поэтикасини белгилаб берувчи асосий омиллардан саналади. Яъни муаллиф қаҳрамон характери шакллантиришни, асар бадиий концепциясини ҳам илк жумлага юклайди. Унга юкланган ғоя композицион сатҳда бадиий тўқималар орқали ифодаланади. Асар “Зўрнинг тоши қирга қараб юмалар...” жумласидан бошланади. Бу жумла асарда концептуал моҳият касб этади. Мазкур концепция парадоксал мантик асосига қурилган. Зоҳиран қараганда, ўқувчи бу жумлада қаҳрамон характерига сифат берувчи дастлабки тасаввурни олгандек бўлади. Яъни Сизиф ўзини зўр деб ҳисоблайди, у шу думалоқ харсангга мағлуб бўлишни сира тасаввур қилолмайди. Бу унинг учун иснод билан тенгдир. “*Мана шу бақалоққа кучим етмаса, инсонлигим қайда қолади*” дейди Сизиф. Асар қаҳрамони табиатига хос сира аҳдидан қайтмайдиган, қайсар, ўжар каби характерлар шу жумлада бадиий акс этгандек кўринади. Аслида, илк жумла моҳиятига теран назар ташланса, парадоксал мантик ифодасини кўриш мумкин. Яъни зўр (Зевс)нинг олдида Сизиф мазлум ҳолда тасвирланади. Асарнинг илк жумлаларида бунга ишора берилади. “*Зўрнинг тоши қирга қараб юмалар... Тақир ерда узоқ ўтирган Сизиф ўзи ҳам тўла англамаган алақандай маънода бошини бир сермаб қўйди-да, оғир қўзғалди.*” (250-бет). Мазкур жумла мазмунига сингдирилган ана шу икки парадоксал мантик бу асар сюжетида борган сари сайқалланиб, бадиий такомиллашиб боради. Бадиий асарнинг сюжет чизиғидаги воқеалар асар ядросида турган мана шу таянч жумла билан туташади. Ушбу жумлани муаллифнинг бадиий топилмаси сифатида баҳолаш мумкин.

Диссертациянинг “**Бегона**”, “**Донишманд Сизиф**”, “**Ёлғизлик**” асарларида “**кимсасиз одам**” образи типологияси” номли учинчи бобининг “*Кимсасизлик вазияти*”нинг фалсафий, ижтимоий-психологик ва метафорик талқинлари” номли биринчи фаслида “Бегона”, “Донишманд Сизиф”, “Ёлғизлик” асарларида ёлғизлик гирдобидидаги бош қаҳрамоннинг “кимсасизлик вазияти” таҳлил қилинади.

Инсонда ўзи хаёл қилган “идеал” олам тасаввурлари яшаб турган реал ҳаётни хаос сифатида кўриши, уни ўзгалар тушунмаслиги, ўзини ўраб турган жамиятни инкор қилиш, атрофидаги одамлар билан мулоқотнинг етишмаслиги каби ҳолатлар шахсни ёлғизликка гирифтор қилади. Натижада у мулоқотда ҳеч кимдан қониқмайди ва ўзини ўз ичига ҳибс этади. Кимсасизлик вазиятида бўлган кишининг суҳбати монологик тарзда, баъзан онг остида кечади. Бу ҳолатни, профессор У.Жўрақулов таъкидлаганидек, “кўп йиллик руҳий жараёнлар, ғайришуурий изтироблар, инсоннинг ўз-ўзи билан мулоқоти, ўз-ўзига ҳисоб бериши, онг ости муқоясалари, умумжамоат ҳосил қилган тарихий, маданий, психологик ауранинг айни дамдаги синтезлашуви оқибатидир”¹ дейишимиз мумкин.

А.Камюнинг “Бегона” қиссаси қаҳрамони ҳам ўз қобиғи ичида, ўзининг чегараланган аурасида яшайдиган образдир. Асар қаҳрамони Мерсо ҳам

¹ Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-магбаа ижодий уйи, 2015. – Б. 220.

экзистенциализм фалсафасидан ўсиб чиққан, у кимсасизлик вазиятининг юқорида келтирилган факторларига тўла мос келади. Жиноят содир этиши оқибатида қамоқхонада бўлиш, ҳукми кутиш жараёнидаги ички руҳий изтироблари, хаёлий кечинмалари, ўзи билан ўзи гаплашишлари каби кимсасизлик унсурлари асарда юксак пафос билан баён этилган. “...*Лекин айни шу пайти бир неча ойдан бери илк овозимни аниқ эшитиб қолдим. Кўп кунлардан бери қулоғимга эшитилиб юрган товуш шу экан: шундагина мен якка бўлмага тушганимдан бери доим ўзимга ўзим гапириб юрганимни англаб қолдим*”¹. Камю ана шу жумлада, қаҳрамоннинг дардини, изтиробини, ички кечинмаларини, онг ости қатламларида кечаётган ҳолатларни анча ишонарли тасвирлайди. Мерсо ўз ичига, ботинига шу қадар кириб кетганки, ўз-ўзи билан гаплашаётганини сезгунига қадар ҳам қамоқхона камерасида ҳар хил ташқи овозлар, турмабоннинг келиб-кетишини, унинг гапларини у қадар англамасди.

Х.Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф” асари композициясида ҳам шунга муқофас бўладиган сюжет парчаси учрайди. Сизиф тошни думалатиш каби бефойда иш билан шуғулланишдан ўзини ҳарчанд мамнун тутмасин, у ижтимоий алоқага, мулоқотга, муносабатга муҳтож. Унинг тош билан суҳбатлашиши, тошга раҳми келиши, унга инсоний муносабат билдириши каби ҳолатлар асар матнида кўп бор кузатилади. Аммо Сизифнинг кимсасизлиги Мерсо ҳолатидан бироз фарқ қилади. Зоҳирий томондан қаралса, Мерсо ихтиёрий “кимсасизлик” одами, Сизиф эса мажбурий тарзда кимсасиз биёбонга келтириб ташланган. Чуқурроқ ёндашилса, Мерсода табиатан одамлардан ажралиш ҳиссига мойиллик кузатилса, Сизифда эҳтиросли бирлашиш иштиёқи устунлик қилади. Мерсо одамларга қўшилиши мумкин бўлган ҳар қандай бошланғич нуқтани барбод қилади, Сизиф қандай бўлмасин ижтимоий яқинликни тутишга тайёр.

У.Ҳамдамнинг “Ёлғизлик” қиссаси қаҳрамони ҳам хаёллари оғушида бепоён тубсизликда ўз моҳиятини излаб, муаллақ, тентираб борар экан, унинг шахсий ўй-кечинмалари шу жараёнга юзма-юз келишга етаклайди. Зеро, адабиётшунос Баҳодир Карим таъкидлаганидек, “Ёлғизлик” муайян бир қизиқ воқеа-ҳодисанинг бадий талқинига бағишланган эмас, унда анъанавий образлар, тасвирлар, манзаралар, диалоглар йўқ; у – монолог қисса. Шу маънога “Ёлғизлик” инсон руҳиятидаги жўшқин ва тушқун, ўйчан ва ўйсиз кайфиятлар, исмсиз изтироблар маҳсули сифатида майдонга келган”². Инсон ёлғизлик исканжасида қолганда турфа хаёллар суради, ботин сарҳадларида сайр қилади, чуқур ҳаётий мулоҳазалар юритади.

“*Кимсасиз одам*” ботиний ҳолатларининг бадий-психологик тасвири” деб номланган иккинчи фаслда “Бегона”, “Донишманд Сизиф”, “Ёлғизлик” асарларида “кимсасиз одам” образининг типологик хусусиятлари очиқ берилган. А.Камю асарларида ўз қаҳрамонларини бирор хона ёки бирор маконда қамайди. Унинг бундай йўл тутишининг маълум сабаблари бор: кимдир ташқи дунё эшигини ўз хоҳиш-иродаси билан ёпса, яна бошқаси эса ўз

¹ Камю А. Бегона. Вабо. Ён дафтарчалар. Ҳикматлар / Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир: профессор А.Саидов; Тўпловчи: Л.Исоқов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – Б. 82.

² Карим Б. Руҳият алифбоси. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – Б. 12-13.

истакларига қарши қамал қилинади.

“Бегона” асари қаҳрамони Мерсо асарнинг иккинчи қисмида аксарият вақтини тергов ҳибсхонасида ёлғиз ўтказди. Албатта, Мерсо ўз ихтиёрига қарши қотиллик қилгани учун қамоққа олинади, лекин ҳибсга олинишидан олдин, асарнинг биринчи қисмида қаҳрамоннинг бутун якшанбани ўз хонасида ўтказганлиги тасвирланади. Кундузи у деярли ҳеч нарса билан шуғулланмайди, вақти-вақти билан осмонга тикилади, дераза ёнида туриб, ўтиб бораётган одамларни кузатади, хаёллари оғушига шўнғийди. Унинг ҳолати нафақат унинг ёлғиз, кимсасиз ҳаётини, балки у келгусида қамоқдаги кунларини, ўзининг қатл кунини кутиб осмонга термулиб ўтказган дамларини ифодалагандек бўлади.

“Кимсасиз одам”да вақт категорияси. “Бегона” ва “Донишманд Сизиф” асарлари ҳам бу ҳодисадан бебаҳра эмас. Айниқса, ёлғиз шахсда, “кимсасиз одам”да вақт категорияси ғоят муҳим омил, асосий масала саналади. Экзистенциал одам учун ҳибсхонада вақтни ўтказишдан-да оғирроқ, мушкулроқ иш бўлмаса керак. Мерсо қамоқхона камерасида вақт масаласида жуда азият чекади. У олдинги воқеаларни эслайди, турли нарсаларни хотирлайди. Аввал яшаган хонасида жиҳозларни, уларнинг жойлашувини бирма-бир кўз олдига келтиради. Қамоқхонага тушган дастлабки вақтларда у тунларини бедор, кундузларини эса фақат ўйлаш, эшлаш билан ўтказди. Кейинчалик Мерсо зерикишга уйқу билан жавоб қайтарадиган бўлади. Ҳақиқатдан ҳам, Мерсо вақт тизгинини кўлдан чиқаради. У учун ой, сана, кун деган тушунчалар нисбийлашган, унутилган эди. Фақатгина табиий жараёнда айланадиган тонг отиши билан кун ботиши унга “кеча” ва “бугун”нинг моҳиятини англаиб туради. Мерсо учун “эрта” деган тушунча ҳам нисбийдир. Чунки у “эрта”ни аниқ тасаввур қила олмас эди. Балки эртаси сароб бўлиши ҳам мумкин...

Х.Дўстмуҳаммаднинг Сизифи учун ҳам вақт нисбий тушунчага айланиб улгурган эди: *“...ҳаммасидан даҳшатлиси, Сизифнинг назарида вақт тақа-тақ тўхтаб қолгандек, у вақт тушунчасини аллақачонлар унутиб юборган эди... Йилни ҳам, кунни ҳам, соату дақиқаларни ҳам унутди у. Вақтни унутган ўзини ҳам унутади. Ўзини унутган одам мўлжални, режани, ҳисоб-китобни унутади. Яшамаётгандек яшайди.”* (290-бет). Бундай инсонларнинг ҳаётда мавжуд ё мавжуд эмаслиги ҳам аҳамиятсиз. Бу ҳолатга тушган одамнинг қисмати қандай кечишини яхши англаган Сизиф доим ўзини тафтиш қилади. Сизиф ҳам Мерсо сингари ўз ўтмишига, ўтган ҳаётидаги воқеа-ҳодисаларга назар ташлайди, хотирлайди. “Кимсасизлик”да бўлган Мерсо ҳам, Сизиф ҳам вақтни, кунини имкон қадар мазмунли ўтказишга уринадилар.

“Кимсасизлик”да товушлар симфонияси. Бадиий асарларда ҳар хил товушлар, овозлар, шовқинлар у ёки бу тарзда учрайдики, улар сюжет ўзанида шунчаки кичик детал бўлиб қолмасдан, маълум метафорик аҳамият касб этади. Товушлар асар мазмуни, қаҳрамон характери очишда, умуман олганда, муаллифнинг бадиий мақсадини рўёбга чиқаришда муҳим восита сифатида хизмат қилади. Бу товушлар “кимсасиз одам”нинг ботинида кечаётган курашлар, қаҳрамоннинг келгусида рўй берадиган маълум бир воқеалар ёхуд “кимсасизлик вазияти”нинг у ёки бу кўриниши билан уйғунлашиб, қоришиб

метафора вазифасини ўтайди. Матнда товушлар тембри воқеанинг (хоҳ ички, хоҳ ташқи) акс этиш жараёнига қараб баъзан бир маромда, баъзан ўзгариб боради.

Масалан, “Бегона”да Мерсонинг қамоқхона камерасида ёлғиз ўтказган кунларида руҳиятидаги изтиробли кечинмалари, инсоннинг тутқинликдаги аянчли аҳволи, кимсасизликдаги сукунат ва бошқа қатор фалсафий-психологик жараёнлар тасвирланган. Мерсо ўз монологиди давом этиб, шундай дейди: *“Кеч кираётган, қамоқхонанинг барча қаватларидан бўғиқ шом шовқинлари дилгир оҳангда баландлаб, яна шу қуйи секин пасаядиган, мен айтиб беришни сира ёқтирмайдиган бир кез эди...”* (82-бет). Парчада келтирилган товуш тембри ўзгарувчан, баъзан баланд, баъзида эса паст оҳангда. Бу товуш инсоннинг эркинлиги, озодлиги, хурлигини чеклайдиган биқик муҳитнинг акс садоси ўлароқ янграётганини таъкидлаш лозим. Шунингдек, экзистенциал муҳит одами учун қамоқ энг даҳшатли жойдир. Иккинчи томондан, Мерсонинг қулоғида дилгирлик билан янграётган бу шом шовқини суд жараёнининг бориш ҳолатига менгзалса, *“айтиб беришни сира ёқтирмайдиган”* деган жумлада унинг даҳшатли қисмат қаршида турганини, унинг айни дамдаги ҳолати ҳақида Ғойибдан келган сас сифатида *“пичирлаётган”* бўлса, ажабмас! *“Туйнук олдида бориб, сўнаётган шом шуълалари ёғдусида яна бир марта аксимга термулдим. Юзим боягидан жуда жиддий эди, начора, ўзим энди жиддийлашиб қолганимдан кейин, бунинг нимаси ажабланарли?”* (82-бет) деган жумла юқорида айтган метафорик талқинимизни янада ойдинлаштиради. Бошқача қилиб айтганда, Мерсо вазият ўнгланишидан умид қилади, баъзан ҳафсаласизлик билан яна чекинади, ботинининг ич-ичигача киради, кимсасизликдан беихтиёр ўзи билан ўзи суҳбатлашади. Ташқарида бўлаётган ҳодисаларни англай олмайди, воқеаларни тушунолмайди. Ташқи вазиятнинг тобора жиддийлиги унинг юзида ҳам акс этади. Ўз фожиасини айта олмайдиган даражада чорасиз кўринади.

“Ёлғизлик” қиссасида ҳам шунга ўхшаш ғаройиб шовқин тасвири кузатилади. У.Ҳамдам асаридаги шовқин катта метафорик маъно англашиб, кенг кўламда бадий вазифа бажаради. Асарнинг ритмик оҳангини ҳосил қилади. Асар қаҳрамони *“Қулоқларим остида фақат дарахтларнинггина шовуллаши қолди. Мен уни узоқ вақт тинглаб ўтирдим...”*¹ дейди. Бу “дарахтнинг шовуллаши” асар давомида қаҳрамоннинг қулоғи остида такрор ва такрор янграйверади, борган сари бу товуш ритми ошиб боради. Айтиш мумкинки, унинг қалби, фароғати, осойишталиги чилпарчин синади, дарз кетади ва шу пайтда ўша “ёриқ”дан ёлғизлик шовуллаган шовқин каби кириб келди. Бу оҳанг уни ташқарига – одамлар олдида чиқишга имкон бермайди. Ва борган сари “шовуллаш” авж олиб, қаҳрамонни ўз ботини қаърига тортади.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Ёлғизлик мотиви”ни эпик идроклаш, бадий талқин этишда индивидуаллик ва миллийликнинг ўрни** деб номланиб, у икки фаслдан иборат. *“Индивидуализм ва абсурдлик “Бегона” асари бадий концепциясининг зарбона асоси сифатида”* номли дастлабки фасл

¹ Ҳамдам У. Ёлғизлик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – Б. 9.

А.Камюнинг “Бегона” асари таҳлили ва муаллиф концепциясига бағишланади. А.Камюнинг фалсафаси, асосан, экзистенциализм, индивидуализм ва абсурдлик концепциясидан иборат. Маълумки, абсурд таълимоти асосан тўрт тамойилга асосланади: эркинлик, иштиёқ, кураш ва исён. Камюнинг ижодий концепцияси асосан иккита – *эркинлик* ва *исён* хусусиятига мос келади. Табиатан олганда, “Бегона” асари қаҳрамони Мерсо ҳаётда фақат ўзи учун яшайдиган европача индивидуализм ва эгоизмнинг типик вакилидир.

А.Камю аксарият асарларида дунёни одамлар учун тушунарсиз эканлигини бадиий ифода этади. Камю мутлақлаштирмоқчи бўлган абсурд фалсафаси XX асрнинг икки жаҳон уруши натижасида юзага келган фалокатнинг ҳосиласидир, дейиш мумкин. Камюнинг фалсафасида асосан, дунёни абсурд сифатида кўрилиши, эътиқод масаласи маиший турмуш-тарзи билан алмаштирилиши, узоқ яшашга истаги каби факторлар устуворлик қилади. Бу билан Камю эътирозларга сабаб бўладиган масалани ўртага ташлайди. “Бегона” қиссаси атрофдаги ҳамма нарсага бефарқ бўлган бир хислат ҳақидаги ҳикояни очиб беради. Асар индивидуализм тамойилларига асосланган бўлиб, ўзини яхши кўрадиган, ўзини самимий одам, деб биладиган Мерсо барча ижтимоий ҳодисаларни эътиборсиз қолдиради ва ўзи учун яшашга эркинлик беради.

Мерсо образи ўта мураккаб, ғайритабиий ва ўзига хос мавжудот сифатида намоён бўлади. Кўринишдан Мерсо ҳам оддий инсонлар каби ҳаёт кечиради, у ҳам бошқалар сингари давлат муассасасида ишлайдиган, кундалик юмушлар билан банд инсон. Бироқ унинг характери ўта самимий, иккиюзламачиликдан йироқ, ўзгаларнинг у ҳақидаги фикрлари аҳамиятсиз, бу тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмайди. Уни бошқалардан ажратиб турадиган нарса, жамиятнинг барча вакиллари қабул қилган расмий ҳаётни қабул қила олмайди. Шу хислати билан Мерсо жамиятга, унинг бутун тартиботларига, ҳатто, ўқувчига бегона.

Мерсо жамият қонунларини менсимайди, уларнинг бирортасига ҳам амал қилмайди, ҳатто энг юксак қоида – ўз онаси ўлими учун ҳам мотам тутмайди. Дафн маросимида ҳам у ўзини изтироб чекаётган, онасидан жудо бўлгани учун куйинаётган қилиб кўрсатмайди, у қалбида кечаётгани – тунни бедор ўтказиб, жуда чарчагани, кўнгли сайр тусаётгани, куёшнинг жазирама иссиғида онасини дафн қилиш учун узоқ туриб қолганидан қийналаётгани ҳақида ўйлайди.

Камюнинг “Бегона” қиссаси омма аудиторияси учун оддий бўлиб туюлиши мумкин, аммо хос қатлам учун Мерсо ҳикояси бу тор талқиндан холи. Аслида, Мерсо XX аср ғарб фуқаросининг хос қиёфаси бўлиб, у “эгоист одам” ҳисобланади. Мерсонинг этика ва юксак маънавият томонидан камситилган одам, деб баҳолаш мумкин.

Мерсо асарда ўзини эътиборсиз қолдирадиган одам сифатида гавдалантирилади. Чунки у ўзини намоён қилиш учун етарлича куч, барқарор манба тополмайди. Масалан, шарқ одами (мусулмон кишиси) учун ўзини англаш, маънавий етукликка эришиш, комил инсон бўлиш Оллоҳга ишониш ва ўзини Унинг бандаси деб билиш ҳисси улуғвор. Мерсо эса бу хисдан, бу эътиқоддан мосуво.

Тўртинчи бобнинг “*Донишманд Сизиф*”, “*Ёлғизлик*” асарлари шарқона маънавият ва бадиий тафаккур контекстида” номли иккинчи фаслида мазкур

асарларнинг бадиий кўлами шарқона этикет, миллий ва маънавий тафаккур мезонлари асосида таҳлил қилинади.

“Донишманд Сизиф” ва “Ёлғизлик” асарлари у ёки бу маънода А.Камю ижоди таъсирида пайдо бўлган экан, бу асарларнинг абсурд фалсафасидан холи эканлигини шарқона диний эътиқод ва миллий маънавият мезонлари асосида таҳлил қилиш зарурати туғилади.

Адабиётшунос ва ёзувчи Аъзамхон Қозихўжа айтганидек, “инсон бадиий тафаккури илоҳий манбадан озикланади. Агар илоҳий манбадан узилса, у тубанлашиб, энг қуйи қатламларда иш олиб боришга мажбур...”¹. Илоҳий қадрият деб саналган муқаддас бурч ва эътиқодга амал қилмай яшаш ҳақиқатдан инсонни тубанлаштиради, қабоҳат ботқоғига ботиради, ёлғизлик гирдобига ғарқ этади.

Х.Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф” асари қаҳрамони Сизифнинг мифологиядаги талқинига зоҳиран назар ташланганда, у ҳам ўрнатилган тартиб-қоидаларни менсимаслик, илоҳий қонуниятларга, уларни яратувчисига итоат қилмаслик оқибатида жамиятдан ажратиб қўйилади, энг тубан кимсага чиқарилади ва оғир жазога ҳукм этилади. Юнон мифологиясига асосланган мазкур воқеликка ўзбек адиби шарқона маънавият ва бадиий тафаккур контекстида ёндашиб, тамомила янги талқиндаги образни шакллантиради.

“Донишманд Сизиф” романи сюжети ҳам Сизиф ва унинг тош билан боғлиқ ҳаракати атрофида қурилади. Асардаги бор воқелик ҳам бор-йўғи шу – Сизифнинг тошни чўққи томон думалатиши ва тошнинг пастга қараб юмалаш воқеаси. Шу воқелик асносида қаҳрамоннинг руҳий ҳолати, изтиробий кечинмалари, ёлғизлик ва кимсасизлик вазияти каби психологик жараёнлар бадиий тасвирланади.

Шунингдек, Х.Дўстмуҳаммад асли Ғарб воқелиги, юнон одами бўлган Сизифни исмини сақлаб қолади, моҳиятни, концепцияни эса янгилашга, қайта шакллантиришга уринади. Муаллиф асарга Шарқ нуқтаи назари билан ёндашади. Адиб таъбири билан айтганда, “шарқликлар дунёни ақли билан олади”².

Аммо шуни ҳам таъкидлаш керакки, Х.Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф” романи сюжети юнон мифологиясига асослангани боис унда ғарб воқелиги шарқона маънавият ва тафаккур контекстига тўла мос эмаслиги сезилиб туради. Айрим ўринларда қаҳрамон хатти-ҳаракатлари, эътиқод ва итоат масалаларида шарққа хос бўлмаган жиҳатлар, асл асосга (мифологияга) ёки айрим ғарбона қарашларга оғиб кетиш ҳолатлари ҳам кўзга ташланади.

У.Ҳамдам “Ёлғизлик” қиссаси қаҳрамони Ф.Кафканинг Жозеф К. ва А.Камюнинг Мерсо қаҳрамонларига кўп томонлама яқин туради. Ҳатто, мажбуран ўхшатилган ўринлар ҳам учрайди. Масалан, “Ёлғизлик” қиссаси қаҳрамони А.нинг ўғли қийналиб вафот этади. Қаҳрамоннинг маросимда бошқалар қатори йиғлай олмагани шундай баён этилади: “*Ҳамма йиғи-сиги*

¹ Қозихўжа А. Гар ортуқ сўз дедим.../ Тўпловчи, масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи: ф.ф.д., профессор У.Жўрақулов. – Тошкент: Nurafshon business, 2021. – Б. 163.

² Адиб билан суҳбатнинг аудиоёзуви шахсий архивимизда сақланган.

қилди, ҳатто, бегоналарнинг ҳам кўзларида ёш кўрдим. Фақат отаси – менинг кўзларим қуп-қуруқ эди. Ҳаракат қилдим – бўлмади” (31-бет). Мазкур сахнани “Бегона” қиссасидаги Мерсо онасининг вафотида йиғламагани, кўнгли ўксиб куйинмаганига типологик ўхшатиш мумкин. Аммо асар қаҳрамони шарқлик бўлганлиги боис ҳам, Мерсодан фарқли ўлароқ, кеч бўлса-да, йиғлайди, йиғлаганда ҳам ўпкаси тўлиб йиғлайди. У.Ҳамдам қаҳрамони шарқ одами бўлганлиги сабабли у ҳар қанча Мерсо, Жозеф К каби бошқа қаҳрамонларга яқинлаштирилмасин, алал оқибат шарқликларга хос хусусиятларни сақлаб қолади. “Ёлғизлик” қиссаси қаҳрамони фарзандидан жудо бўлганидан ўртанади, изтироб чекади. Айни шу жиҳатлари билан ҳам бу асар шарқона характер ва руҳни ўзида мужассамлаштирган.

Айтиш мумкинки, У.Ҳамдамнинг “Ёлғизлик” қиссаси услуби анъанавий қолип ва тажрибаларни инкор этган, янгиланган бадий тафаккур маҳсули сифатидаги ўзига хос характерли адабий-фалсафий асар.

Адибнинг мазкур асари ҳаётини воқеаларнинг баёни эмас, руҳий тасвирнинг камрови кенглиги, ёлғиз шахснинг барча ички изтиробий кечинмаларини ўзига хос бадий акс эттирганлиги билан ўз даврида ва бугунги кунда ҳам ўзбек адабиёти тарихида ажралиб туради. Бошқача қилиб айтганда, У.Ҳамдамнинг “Ёлғизлик” қиссасида норвегиялик олим Эспен Ховардсхолмнинг “санъатнинг оғирлик маркази ташқаридан ичкарига кўчди. Энди санъаткорнинг вазифаси объектив борлиқни акс эттириш эмас, балки борлиқ билан ўз бадий олами қонунларидан келиб чиққан ҳолда муносабатга киришиб, соф субъектив санъат яратишдан иборатдир”¹, деган фикрида ифодаланаётган янги фалсафий-эстетик жараёнга хос хусусиятлар акс этади.

У.Ҳамдамнинг “Ёлғизлик” қиссасида тасвирланган қаҳрамоннинг руҳий изтироблари, унинг ботинида кечаётган муросасиз курашларнинг шарқона маънавият ўлчовларига баъзан номувофиқлиги кўринса-да, аммо мазкур қисса инсоннинг ёлғизлик ҳолатини, унинг онг остидаги энг яширин ҳисларини очиқ-ойдин ифодалаганлиги, ҳеч истиҳоласиз баён этилганлиги билан ҳам алоҳида ажралиб турадиган характерли асар ҳисобланади.

ХУЛОСА

1. Жаҳон адабиётшунослиги тарихида “ёлғизлик” мотиви антик даврдан буён мавжуд бўлиб, асосан антик роман шаклларида қисман учрайди. Ўрта асрларда бу туйғу ажралиш, яққалиниш, ўзини ихоталаш (изоляция) ва узлатда кечган руҳий ҳолат билан боғлиқ тарзда намоён бўлган. Кейинчалик бу ҳис ёлғиз яшайдиган ва ёлғиз қолишни хоҳлайдиган киши ҳолатини ифодалаган. Шунингдек, у диний ҳаётни танлаган, Оллоҳ билан ёлғиз қолишни истаб, таркидунё қилган киши ҳолатини ҳам англатган. “Ёлғизлик” сўзи одатда икки тушунча: а) бир муддат ёки доимий равишда ёлғиз яшайдиган одамнинг ҳолати; б) кимсасиз ва қаровсиз макон ёки ижтимоий муҳитни ифодалайди.

¹ Ховардсхолм Э. Модернизм. Исследование понятия в историко-философском плане. “Называть вещи своими именами”. – М.: Прогресс, 1986. – С. 460.

2. Ёлғизлик муаммосини ижтимоий фикрлар тарихида англаш ва тушунтириш турличадир. Масалан, қадим юнон мутафаккирлари ва ўрта асрнинг етук алломалари ёлғизликка иллат сифатида қараб, уни рад этган бўлсалар, кейинги даврларга келиб инсоннинг ўзини ўзи англаши учун ёлғизлик зарур восита сифатида қаралган, баъзида эса ёлғизликнинг бадий тасвирланиши инсониятнинг лаънати сифатида ҳам тушунилишга олиб келган.

3. Ёлғизлик тушунчаси билан боғлиқ барча маъноларни шахс ва жамият ёки инсон ва Худо ўртасидаги муносабатларга алоқадор деб қараш мумкин. Адабиёт тарихида ёлғизлик масаласи, ўзгалардан ёки жамиятдан ажралиб қолган инсонларнинг жамият ва бошқалар билан муайян масофани ушлаб туриши, жамиятнинг шахс томонидан қандай тарзда қабул қилиниши каби муаммолар XX аср ёзувчилари асарлари, айниқса, М.Пруст, Ф.Кафка, А.Камю сингари модернист ёзувчилар ижодининг хос жиҳатларидандир.

4. Ёлғизликни инсоннинг ўз индивидуал ҳиссини, субъектив имконсизлиги ёки ўзини бошқа одамлар қабул қилишини истамаслигини юзага чиқарувчи руҳий ҳолат сифатида қуйидагича тавсифлаш лозим: 1) ёлғизлик – бу руҳий ҳодисаларга хос бўлган барча хусусиятларга эга психологик ҳолат. Бу хусусиятларнинг энг асосийлари ҳиснинг интенсивлиги ва маълум бир чекланган вақтга хослигидир, чунки ҳеч бир ҳолат абадий давом этмайди; 2) керакли жавоб ололмаслик ёки олишни истамаслик субъектив ҳолатдир. Бундай пайтда ёлғизликни келтириб чиқарадиган ташқи объектив омиллар ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳал қилувчи аҳамият касб этмайди; 3) нормал ҳаёт учун одам ўзини бошқа одамлар томонидан ҳам, ўзи томонидан ҳам тан олиш ва қабул қилишни талаб қилади. Агар бирон-бир вақтда у бу нарсдан ажралса ёки бирон сабабга кўра уни ҳис эта олмаса, у ҳолда ёлғизликни бошдан кечириш эҳтимоли жуда катта.

5. Истиклол даври ўзбек адабиёти инсон руҳиятини тасвирлаш қамровини кенгайтиргани, ботин оламини чуқур тадқиқ этиши билан алоҳида аҳамият касб этади. Адабиётнинг бу ўзанда ҳаракатланиши асосан иккита муҳим жиҳат билан изоҳланади: 1) Шўро тузуми даврида инсон кадрсизлантирилди, унинг шахси топталди. Бу ҳолат давр инсонининг руҳиятига жиддий таъсир кўрсатиб, бадий адабиётда тушкун кайфиятдаги, руҳий изтиробдаги қаҳрамонларни юзага келтирди; 2) адабиётда янгиланган бадий тафаккур майдонга келди. Бу жараён, асосан, жаҳоннинг етакчи модернист ёзувчиларининг ижоди билан чуқурроқ танишиш, уларнинг анъаналари ва ғояларини ўзлаштириш фониди кечгани билан изоҳланади.

6. Ўзбек адиблари Х.Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф” романи ва У.Ҳамдамнинг “Ёлғизлик” қиссаси ҳам адабий таъсир устуворлиги ёки бир қанча ёзувчилар ижодий концепциялари қоришмаси ҳамда маълум ва машҳур сюжетларнинг синтезлашуви асосида яратилган асарлардир. Адибнинг “Донишманд Сизиф” романи француз ёзувчиси А.Камюнинг “Сизиф ҳақида афсона” эссеси таъсирида ёзилган, воқелик ва образлар ўхшаш бўлса-да, бироқ қаҳрамон табиати, характерида муайян тафовутлар мавжудлиги асарнинг ўзига хослигини таъминлашга хизмат қилади.

7. Юнон мифларидаги Сизиф образининг тавсифи билан Камю ва Х.Дўстмуҳаммад талқинидаги Сизифнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари бор. Агар юнон адабий манбаларида Сизифга салбий қаҳрамон сифатида қаралса, А.Камюда унинг экзистенциал талқини, ҳаётнинг абсурдлиги ва инсон ёлғизлиги талқини устувордир. Х.Дўстмуҳаммад ғарб одами бўлган Сизифга шарқона руҳ бериб, уни ўзбекларга хос мардлик, улуғворлик, донишмандлик руҳида гавдалантирган.

8. Мерсо образи экзистенциал ҳолатда ижтимоий тартиб-қоидаларни, Худони, динни рад этадиган, ўз хатти-ҳаракатлари орқали ҳаётга абсурд кайфият улашадиган, ўз кимсасизлигидан изтироб чекадиган рамзни ифодалайди. Донишманд Сизиф бошидан кечирган машаққатлар, изтироблар эса унинг инсонийлигини шунчаки белгиламайди, балки уни янада улуғлаб, поклаб қайтадан бунёд қилган янги умумбашарий образ сифатида тақдим этилади.

“Донишманд Сизиф” романи ўзини англаётган, қисматига битилган фожиадан қутулиш, халос бўлиш йўлини излаётган, ўзининг инсоний қиёфасини тиклаётган, эътиқодини мустаҳкамлаб, ўз ҳаёт тарзига янгича руҳ бераётган ақл-идрок, ирода, тафаккур ҳақидадир. Ушбу романни қуйидаги жиҳатларга кўра туркумлаш мумкин: а) роман услуб жиҳатдан публицистик романларга яқин; б) композицион қурилиши ва сюжет томондан миф-романга мансуб; в) бадиий хусусияти, яъни шахсни тарбияловчи, руҳни покловчи, уни ҳаётга теран мушоҳада билан назар солувчи шахсни такомиллаштириш жиҳатларига кўра, маърифий роман туркумига қўшиш мумкин.

9. А.Камюнинг “Бегона” ва Х.Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф” асарларида, умуман олганда, ижтимоий бегоналашув, шахс ёлғизлиги, эркин яшашга бўлган иштиёқ, ўлим мотивлари етакчилик қилади. Хусусан, “Бегона” асари ўлим билан бошланиб, ўлим билан тугаса, “Донишманд Сизиф” романида мағлуб инсоннинг ғолиблик нашидасини суриши, инсоннинг ҳар қандай азоб-уқубатни, изтиробни ўз сабри, бардоши, иродаси билан енгиши устуворлик қилади. Асарда инсон ўз ҳаётига ўзи мазмун бера олиши каби факторлар муҳим ўрин тутди. Шу жиҳатга кўра, ўзбек адаби юнон мифига, Камю талқинига янги мазмун бахш этди, дейиш мумкин.

10. А.Камю экзистенциал адабиётнинг вакили сифатида инсон эркинлигини мадҳ этади. Аммо у хаёл қилган “идеал” дунё ҳақиқий эмас, банибашар яшайдиган реал дунё тартибларига бўйсуниб, чин инсоний қиёфа ва маънавий-руҳий покликда яшасагина, инсон деган рутбага эришади, мазмунли ҳаёт кечиради. Аслида, идеал дунёнинг ўзи мавжуд эмас, аммо реал дунёда, ҳамма кўниккан ҳаётда ҳам бахтли, фаровон яшаш имкони бор. Бахтли бўлиш инсоннинг ихтиёрига, маънавиятига, камолотига, фитратига боғлиқ. Жамиятдаги энг бахтсиз одам сифатида кўрилатган Сизиф ана шу бахтсизлигидан бахт, муваффақиятсизликдан завқ ола билади.

11. Х.Дўстмуҳаммад Сизиф образи орқали бизни жамиятнинг айрим шафқатсизликлари ва инсон руҳиятининг ёлғизлик ҳолатлари, инсон ёлғиз қолдирилганда унинг тақдири қандай кечиши, руҳий оламида, ботинида нималар рўй беришини кўришга сафарбар қилди. Сизиф ёлғиз, у инсонлардан

олида, инсоний мулоқотдан йироқ, у жамиятдан четлаштирилган. Аммо Х.Дўстмуҳаммаднинг Сизифи абсурдга қарши ўлароқ гавдалантирилган, курашувчан инсон тимсоли. Шунинг учун бу четлашишни ғарбнинг абсурд фалсафасига менгзаб бўлмайди. Ўзбек адабининг Сизифи абсурдни рад этиб, ҳаракатдан, курашдан завқ олаётган инсон тимсолидир.

12. Х.Дўстмуҳаммад Сизифнинг кимсасиз маскандаги ҳаёти, ҳаёт зиддиятларига қарши кураша олиши, жасурлиги, иродаси, шижоати, машаққатларни енгиш йўлида чеккан азобларини романда ишонарли тарзда бадиий маҳорат билан тасвирлаган. Бу асар ўқувчи тасаввурида меҳнат мадҳиясидек жаранглайди. Айнан ана шу қатъиятлилиги, шижоатлилиги боис Сизиф ўз инсонийлигини сақлаб қола олди. У.Ҳамдамнинг “Ёлғизлик” қиссаси қаҳрамони эса изтироблар ичида ўзини кашф этади.

13. “Ёлғизлик вазияти”даги одам, унинг “кимсасизлик” ичра топган хулосаси А.Камю “Бегона”сида фожиа, У.Ҳамдам “Ёлғизлик” қиссасида таскин, Х.Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф”ида ҳикматга олиб келади.

14. Камю “Бегона” асарида инсон ва унинг олами ўртасидаги зиддиятли муносабатларни, хаотик оламни босқичма-босқич очиб беради. Асар қаҳрамони Мерсо ҳамма кўниккан, одатдаги дунёни рад қилиб, ўзининг идеал дунёсида, табиат қўйнида тана эҳтиросларини қондириб яшамокқа интилади. Мерсо яшайдиган дунё “ўлик” дунёдир. Яъни бутун Курраи заминда биргина тирикжон Мерсо бўлади ва бошқалар мавжуд эмас. А.Камю Мерсонини гўё “биринчи одам” тимсолида яратмоқчи бўлади.

15. “Донишманд Сизиф” романи ва “Ёлғизлик” қиссасига шарқона маънавият мезонлар асосида қаралганда, шундай парадоксал ҳолат кузатилди: а) Х.Дўстмуҳаммад “Донишманд Сизиф” романи қаҳрамони Сизифни шарқ кишиси образи сифатида яратмоқчи бўлади, бироқ Сизифнинг онгу шуурида маъбудлар маъбудди, қудратли Зевсга нисбатан нафрат ва исён борлиги, бу образни тўла маънода шарқона тафаккур контекстида тасаввур қилиш имконини бермайди; б) У.Ҳамдамнинг “Ёлғизлик” қиссаси қаҳрамони шарқ одами бўла туриб, кўпроқ ғарбча тафаккур билан иш кўради.

**ONE-TIME SCIENTIFIC COUNCIL UNDER SCIENTIFIC COUNCIL ON
AWARDING SCIENTIFIC DEGREES DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 AT
TASHKENT STATE UNIVERSITY OF UZBEK LANGUAGE AND
LITERATURE NAMED AFTER ALISHER NAVOIY**

**TASHKENT STATE UNIVERSITY OF UZBEK LANGUAGE AND
LITERATURE NAMED AFTER ALISHER NAVOI**

ASADOV MAHMADIYOR TURAEVICH

**MODERNISTIC INTERPRETATION OF THE “LONELINESS MOTIF” IN
WORLD AND UZBEK PROSE**

(in the example of the prose of A. Camus, Kh. Dostmuhammad, U. Hamdam)

**10.00.06 – Comparative literature, contrastive linguistics and
translation studies**

**ABSTRACT OF DISSERTATION OF DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD)
IN PHILOLOGY**

Tashkent – 2022

The theme of dissertation of doctor of philosophy (PhD) was registered at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B.2021.1.PhD/Fil 1059.

The dissertation has been prepared at Uzbekistan State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, English and Russian (abstract)) on the Scientific council website (www.navoiy-uni.uz) and on the website Ziyonet information and educational portal website (www.ziyonet.uz).

Scientific supervisor:

Sirojiddinov Shuhrat Samariddinovich
Doctor of Philological Sciences, Professor

Official opponents:

Meliev Suvonqul
Doctor of Philological Sciences

Kholiqov Bahodir Alikulovich
Doctor of Philosophy in philology, associate-professor


Leading organization:

Tashkent State Pedagogical University

The defense will take place on “25” 11 2022 at 10⁰⁰ at the meeting of Scientific council DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 on awarding scientific degrees at Tashkent State University of Uzbek Language and Literature (Address: 100100, Tashkent, Yakkasaray district, Yusuf Khos Hojib street-103. Tel: (99871) 281-42-44, fax (99871) 281-42-44 (www.navoiy-uni.uz); e-mail: monitoring@navoiy-uni.uz.)

The dissertation is available at the Information Recourse Center of Tashkent State University of Uzbek Language and Literature (registered under the number 232) (Address: 100100, Tashkent, Yakkasaray district, Yusuf Khos Hojib street-103. Tel: (99871) 281-42-44, fax (99871) 281-42-44 (www.navoiy-uni.uz); e-mail: monitoring@navoiy-uni.uz.)

Abstract of dissertation was sent out on « 15 » 11 2022
(Mailing report № 1 on « 15 » 11 2022)



N.A.Jabborov
Chairman of the one time Scientific council on awarding Scientific degrees, Doctor of Philological Sciences, professor

Q.U.Pardaev
Secretary of the one time Scientific council under the Scientific council on awarding scientific degrees, Doctor of Philological Sciences, associate professor

D.R.Yusupova
Chairman of the seminar of the one time Scientific council under the Scientific council on awarding scientific degrees, Doctor of Philological Sciences, professor

INTRODUCTION (The annotation of doctoral dissertation)

The topicality and relevance of the research. It is mainly since the beginning of the 20th century in world literary studies, researchers began to pay serious attention to the problem of “loneliness”. Especially after the Second World War, the scope of research of this socio-psychological condition reached a global level. Loneliness as a complex mental phenomenon is an object of literary studies as well as socio-humanities – sociology, philosophy, anthropology, psychology, aesthetics. Typological study of the “motif of loneliness” within the literature of different nations is a historical-aesthetic basis for the development of world literature.

The literature of the peoples of the world regularly develops as a result of literary contacts and the creative assimilation of the experiences of one nation’s culture and literature by another nation. Modernist literature, which appeared in Europe at the end of the 19th century, describes the human psyche and inner world. Albert Camus is one of the prominent figures of modernist literature. His characters experience depression, social alienation, despair and loneliness. From this point of view, the study of the modernist writer’s literary-aesthetic position and creative process makes it possible to define the priority ideas in the artistic work.

Researching the issue of the literary-aesthetic concept and creative harmony of the writers of Uzbek literature during the period of independence, Khurshid Dostmuhammad and Ulugbek Hamdam, in the context of world literature, creates the need for a new interpretation, according to the requirements of the time. The study of the creative identity of these writers requires making observations on defining the concept of the author based on the ways of manifestation of the hero’s loneliness in their works, new poetic expression and interpretation of symbolic and metaphorical images. After all, “...attention to literature and art, culture is, first of all, attention to our people, attention to our future, as our great poet Cholpon said, we have no right to forget that if literature and culture live, the nation can live.”¹ Accordingly, approaching the state of loneliness expressed in the works of Kh.Dostmuhammad and U.Hamdani from the point of view of national, spiritual and universal values, researching such issues as the synthesis of the characteristics of Eastern and Western literature and their expression in artistic works as a product of creative harmony in the context of world literature is becoming topical.

This dissertation work to certain extent serves for the implementation of Decrees of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-4947 of May 13, 2016 “On the establishment of the Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi”, No. PF-4958 of February 16, 2017 “On further improvement of post-university education”; No. PQ-2909 dated April 20, 2017 “On measures to further develop the higher education system”, No. PQ-3271 dated September 13, 2017 “On development of the system of publication and distribution of book products, improvement and promotion of reading and reading culture” Resolutions of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated May 22,

¹ Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017 йил 4 август.

2017 No. VMQ-304 “On further improvement of post-university education” as well as other legal enactments.

Compliance of the research with the priorities of the republic’s science and technology development. The research was carried out within the framework of priority line I. “Social, legal, economic, cultural, spiritual and educational development of the information society and democratic state, development of innovative economy” of the republic’s science and technology development.

The level of study of the problem. The works of French writer Albert Camus and Uzbek writers Khurshid Dostmuhammad, Ulugbek Hamdam, who are the object of our research, have been studied by literary critics.

The works written by world literary experts about A. Camus’ novels, short stories and philosophical essays can be a separate source of research. The creative world of A. Camus, the flag bearer of the philosophy of existentialism, absurdism, individualism, which appeared on the basis of modernist literature, did not leave world literature experts and lovers of literature indifferent. In particular, the author's novel “The Plague”, short story “The Stranger”, “Caligula”, “The Misunderstanding” play were very famous among the literary community. The creative activity of A. Camus, the world of plot and images in his works, the issues of artistic and psychological analysis of the loneliness of the heroes were actively studied by American and European researchers in the 20th century and later.¹

A. Camus’ work and the topic of “loneliness” are also found in Russian literary studies. In this regard, it should be noted that Russian literary studies has its own specific system and scientific-historical basis. In particular, the researches by S. Velikovskiy, M. Bakhtin, Yu. Borev, B.G. Anan'ev, E.P. Kushkin, T.E. Nikolaevskaya, K.I. Zimireva, E.A. Yadrikhinskaya, L.A. Maltsev, V.P. Khokhlova, N.S. Pozdeeva can be specially acknowledged².

¹ Doubrovsky S. La morale d’Albert Camus. – Preuves, 1960; Grenier J. Albert Camus. Souvenirs. – Paris: Gallimard, 1968; Grenier J. Les Îles, nouvelle édition préfacée par Albert Camus, Gallimard, coll. “L’Imaginaire”, 1977; Ховардсхолм Э. Модернизм. Исследование понятия в историко-философском плане. “Называть вещи своими именами”. – М.: Прогресс, 1986; Colette J. L’Existentialisme. – Paris: Presses Universitaires de France, 1994; France P. Hermits: The insights of solitude. – New York: St. Martin’s, 1996; Gibson H., Laslett P. Loneliness in later life. Macmillan Press Ltd. – London, 2000; Engelberg E. Solitude and Its Ambiguities in Modernist Fiction. – London: Palgrave, 2001; Rabaté D. “Introduction” 19: L’invention du solitaire, Presse Universitaires de Bordeaux, 2003; Рисмен Д. Одинокая толпа http://www.hrono.ru/biograf/bio_r/riesmand.php; Toura H. La Quête et les expressions du bonheur dans l’œuvre d’Albert Camus. 2004; Flores d’Arcais P. Albert Camus filosofo del future. 2013; Lévi-Valensi J. Albert Camus ou La naissance d’un romancier, Gallimard, coll. “Les Cahiers de la NRF”, 2006; Worsley A. The poetry of loneliness from Romance to Romanticism: a dissertation for the degree of Doctor of Philosophy Princeton, 2014; “Lettre à Roland Barthes sur La Peste”, II: “La Peste, dont j’ai voulu qu’elle se lise sur plusieurs portées, a cependant comme contenu évident la lutte de la résistance européenne contre le nazisme” ва ҳ.к.

² Великовский С.И. Проза Камю. В кн.: Альбер Камю. Избранное. – М., 1969; Великовский С.И. Экзистенциализм. В кн.: Краткая литературная энциклопедия. Т. 8. – М.: Советская энциклопедия, 1975; Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. – М.: Художественная литература, 1972; Боров Ю.Б. Теоретическая история литературы / Теория литературы. Т. 4: Литературный процесс. – Москва, 2001; Ананьев Б. Г. Онтогенез и жизненный путь человека // Ананьев Б.Г. Избранные психологические труды. – М., 1980; Кушкин Е.П. Альбер Камю. Ранние годы. – Л.: изд-во ЛГУ, 1982; Николаевская Т.Е. Ф.М. Достоевский как предтеча европейского экзистенциализма: Опыт проблемного исследования: Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – М., 1999; Алейникова О.С. Одиночество: философско-культурологический анализ: Дисс. ... канд. филос. наук. – СПб., 2005; Зимирева К.И. Экзистенциальная проблематика в творчестве А.М. Ремизова: на материале дореволюционных рассказов: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2007; Ядрихинская Е.А. Структурный и лексико-семантический анализ макроконцепта “L’homme” в индивидуально-авторской картине мира А. Камю. Дисс. автореф. ... канд. филол. наук. – М., 2009; Мальцев Л.А. Традиция экзистенциализма в польской прозе

In Uzbek literary studies, the research of A. Camus' work has mainly acquired a specific nature by the 21st century. Especially in the early 2000s, the publication of a number of controversial articles on modernism and absurdity in the "Literature and Art of Uzbekistan" newspaper made it possible to get to know A. Camus's work and his artistic concept more deeply. The writer's biography, the plot features of his works "The Plague", "The Stranger", "Caligula", "The Myth of Sisyphus" and the first vision of the absurd hero's spiritual world were presented for the Uzbek readers through the researches of literary scholars of M.Kholbekov, A.Saidov, Y.Solijonov, N.Eshonkul. In particular, the scientific articles and fundamental researches of such Uzbek scientists as S. Meli, U. Jurakulov, Q. Yoldosh, I. Yaqubov, A. Kasimov, U. Hamdamov, Sh. Normatova have made it possible to deeply understand A. Camus, the essence of his existentialism and absurd philosophy¹. Also, the works of Kh. Dostmuhammad and U. Hamdam have been thoroughly studied in Uzbek literary studies. Among them, U. Normatov, Q. Yoldoshev, Y. Solijonov, D. Toraev, B. Karimov, U. Dzhorakulov, Q. Kahramonov, I. Yakubov, A. Ulug'ov, M. Kochkarova, U. Rasulova, Kh. Hamrokulova, D. Kholdorov, Kh. Rahmonova, K. Hamroev, Sh. Botirova, F. Burkhonova etc. have been researched on various issues².

In general, there are not many researches on this problem in Uzbek literary studies in the current globalized world where people's feeling of loneliness is getting stronger and stronger. There are no special observations other than the research works of M. Qilicheva and B. Saidova dedicated to the study of the problem of loneliness,

второй половины XX века: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Е., 2009; Хохлова В.П. Реминисцентные онимы в произведениях французских писателей-экзистенциалистов: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2010; Поздеева Н.С. Коммуникативно-дискурсивные признаки концепта одиночество: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2013 и т.д.

¹ Холбеков М. XX аср жаҳон адабиёти манзаралари. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2020; Холбеков М. Экзистенциализм: Альбер Камю // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2013 йил, 11-сон; Саидов А. Қиёсий адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2020; Солижонов Й. Сизиф ва абсурд // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2010 йил, 1-сон; Эшонқул Н. Мендан "мен" гача. – Тошкент: Академнашр, 2006; Жўрақулов У. Худудсиз жилва. – Тошкент: Фан, 2006; Қахрамонов Қ. Адабий танқид: янгиланиш жараёнлари. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009; Ёқубов И. Бадиий-эстетик сўз сеҳри. – Тошкент, 2011; Қосимов А. Типологик ўхшашликлар ва ўзаро таъсирнинг назарий муаммолари (А.де Сент-Экзюпери ва А.Камю ижоди мисолида): Филол. фан. докт. ... дисс. – Фарғона, 2007; Hamdamov U. Jahon adabiyoti: modernizm va postmodernizm. – Toshkent: Akademnashr, 2020; Normatova Sh. Jahon adabiyoti. / Oliy o'quv yurtlari uchun o'quv qo'llanma. – Toshkent, 2008. va б.

² Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Тошкент: Маънавият, 2000; Йўлдош Қ. Ёниқ сўз. /Адабий ўйлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006; Солижонов Й. Адабиёт хиёбони. – Фарғона: "Фарғона" нашриёти, 2020; Тўраев Д. Маънавий олам талқинлари. – Тошкент: Akademnashr, 2020; Карим Б. Рухият алифбоси. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2016; Карим Б. Истиклол адабиёти: назм ва наср. – Тошкент: Firdavs-shoh, 2021; Жўрақулов У. Хос калом хосияти // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2013 йил, 3-сон; Ёқубов И. Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси. – Тошкент: Nurafshon business, 2021; Улуғов А. Қиссаларда қалб акси (2010 йил қиссаларини ўқиб) // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2011, 4-сон; Қўчқорова М. Ҳозирги ўзбек насрида неомифологизм муаммоси // Изҳор. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2021; Расулова У. XX аср ўзбек қиссачилиги (поэтик изланишлар ва тараққиёт тамойиллари). – Тошкент: Qamar media, 2020; Холдоров Д. Ҳозирги ўзбек қиссаларида бадиий услуб муаммоси. – Тошкент: Firdavs-Shoh, 2021; Раҳмонова Х. Хуршид Дўстмухаммад насри бадиияти. / Адиб қисса ва ҳикоялари мисолида. – Тошкент: Poxtaxt exclusive, 2021; Ҳамроев К. Ҳикоя композицияси. – Тошкент: Nurafshon business, 2020; Ботирова Ш.И. Ҳозирги ўзбек романларида бадиий психологизм (Улуғбек Ҳамдамнинг "Мувозанат", "Исён ва итоат", "Сабо ва Самандар" романлари мисолида): Филол. фан. фалс. докт. (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2019; Бурханова Ф.Р. Муаллиф адабий-эстетик қарашлари ва ижодий параллелизм (Назар Эшонқул ва Улуғбек Ҳамдам ижоди мисолида): Филол. фан. фалс. докт. (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2019. ва б.

its essence, manifestation, genesis in the context of Uzbek literature and world literature¹.

However, Uzbek researchers have not separately studied the novel “The Wise Sisyphus” by Kh.Dostmuhammad, the short story “Loneliness” by U. Hamdam, and the short story “The Stranger” by the French writer A. Camus in a comparative-typological way. From this point of view, there is a need to scientifically study the issue of renewal of Uzbek prose traditions, poetic relationship with foreign literature

The relevance of the research with the research plans of the higher education institution where the dissertation was completed. The dissertation was completed in line with the research plan of Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi within the framework of the topic “General theoretical problems of comparative and typological study of world and Uzbek literature”.

The aim of the research is to determine the manifestations of the “loneliness motif” in the world and Uzbek prose, to evaluate their types, to investigate the cases of hero loneliness in the works of A. Camus, Kh. Dostmuhammad, U. Hamdam in a comparative-typological aspect, and to reveal their similarities and differences.

The objectives of the research:

scientific justification of the literary-theoretical and comparativist problems of the “loneliness motif” in world literature;

revealing the historical-mythological factors of the “loneliness motif” in the works “The Stranger” and “The Wise Sisyphus” and scientifically proving the issues of literary influence;

examination of composition and plot originality in the works “The Stranger” and “The Wise Sisyphus”;

revealing the philosophical, socio-psychological and metaphorical features of the “state of desolation”;

examining the works “The Wise Sisyphus”, “Loneliness” in the context of Eastern spirituality and artistic thinking.

Albert Camus’ “The Stranger”, Khurshid Dostmuhammad’s “The Wise Sisyphus”, and Ulugbek Hamdam’s “Loneliness” were chosen as **the object of the research**.

